

Ўзбек насрининг йирик намояндаларидан бири ёзувчи Пиримкул Кодиров 1928 йили Тожикистон республикасининг Ўратепа туманидаги Кенгқўл кишлогида таваллуд топди

Пиримкул Кодировнинг урушдан кейинги хўжаликни изга солиш йилларида жамоа хўжалигидан бошланган меҳнат фаолияти йўл курилиши, Сўнг Бекобод металлургия заводида ишлаш билан давом этди.

1951 йили Тошкент Давлат дорилфунунини тугатиб, М. Горкий номидаги жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасига кирди. «Абдулла Каҳхорнинг урушдан кейинги ижоди» мавзусида номзодлик илмий ишини химоя килди.

1954—1963 йиллар давомида Иттифок Ёзувчилари уюшмаси кошида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1963-1976 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими вазифасини бажарди.

Адиб ижодининг дебочаси талабалик йилларида эълон этилиб, толиби илмлар хаётини, уларнинг ички оламини бадиий баён килган «Студентлар» хикояси 1950 йилда босмадан чиқди. Кетидан «Жон ширин», «Кайф», «Олов» хикоялари, «Беш йилликлар фарзапни», «Дадрим», «Ерк», «Мерос» киссалари, «Нажот» афсона-киссаси, «Саргузаштлар» «Яира институтга кирмокчи» номли кисса ва хикоя-иар тўплами китобхонларга тақдим этилди.

«Уч илдиз», «Олмос камар» романларида адиб ижодий маҳорати чархланганлигини кўрсатиб, ўзбек насрини бойитди.

Олдин «Юлдузли тунлар» (Бобур), кейин «Авлодлар довони» романларн билан Пиримкул Кодиров ўзбек тарихий романини устоз Ойбекдан кейин янги погонага кўтарди.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида адибнинг уч жилдлик танланган асарлари (И том, 1977, “Олмос камар” романи; ИИ том, 1978, «Кора кўзлар» романи, «Ерк» киссаси; ИИИ том, 1979, «Уч илдиз» романи) нашр килинди. Мазкур нашриёт адибнинг уч жилдлик “Сайланма”сини хам босди: биринчи жилд — «Уч илдиз» романи, «Кадрим» киссаси; иккинчи жилд — «Кора кўзлар» романи, «Мерос» киссаси; учинчи жилд — «Олмос камар», «Юлдузли тунлар»дан иборат.

Пиримкул Кодиров адабий ижоднинг бадиий-оммабоп услубида хам калам тебратмоқда. Унинг ilk очерки “Оиламиз” 1953 йили чоп этилди, «Халқ тили ва реалистик проза», «Тил ва дил» номли илмий-оммабоп ишиари адиб-олим изланишлари махсулидир.

Адиб ссенарийси асосида зангори олов захматкашлари хакида «Сенинг изларинг» бадиий филми кўйилди. «Виждон» — вилоят сахналарида кетмокда. Унинг асарлари

мустакил республикалар, жаҳон халклари тилларига ўғирилди.

Адаб таржимон сифатида Л. Толстойнинг «Казаклар»ини, К. Фединнинг «Дастлабки кувончлар»ини, П. Толисанинг «Из»ини, Х. Деряевнинг «Такдир»ини она тилимизга ўғирди.

«Юлдузли тунлар» романи учун Пиримкул Кодиров 1982 йили Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. У Ўзбекистон халқ депутати, Республика раёсатининг миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари комиссияси раиси, Халқ ёзувчисидир.